

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“Архитектура муҳитлари дизайни” кафедраси

Доцент Саидов Абдумалик Абдулхакович

Интерьер ва жиҳозлаш фанидан “Турар жой бинолари ва меҳмонхоналар
интеръери” мавзуси бўйича

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

5210900 – Дизайн йўналиши учун

Тошкент - 2016

Тошкент Архитектура-қурилиш институти илмий-услубий кенгаши қарори билан нашрга берилган.

МУАЛЛИФ: Архитектура номзоди, доцент Саидов А.А

Ўқув қўлланмада замонавий турар жой ва жамоат биноларини интерьерининг бадиий ечимини асосий йўналишлари (стиллари) кўрилган ва XIX аср ўзбек анъанавий уйларининг интерьерини дизайн ечимига баҳо берилиб, замонавий хонадоннинг барча турдаги хоналарини интерьер ечими кўриб чиқилган. Тошкентдаги асосий меҳмонхоналарнинг интерьерларини ечими таҳлили қилинган. Ўқув қўлланма дизайн ва архитектура йўналишлари талабаларига ва интерьерни лойиҳаловчи мутахассисларга мўлжалланган.

В учебном пособии рассмотрены основные стили художественного решения современных жилых и общественных зданий, дана оценка дизайнерскому решению интерьера традиционного узбекского жилища XIX века. Рассмотрены особенности решения интерьера всех помещений квартиры, проанализированы дизайнерские решения интерьеров основных гостиниц Ташкента. Учебное пособие предназначено для студентов дизайнеров и архитекторов, а также специалистов работающих в области проектирования интерьера.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Қодирова Т.Ф – архитектура доктори, профессор “АТН” кафедраси мудири
Мухаммаджонов Қ.Х – архитектура номзоди, профессор

ISBN 5-648-03129-7

Саидов Абдумалик Абдулхакович (ТАҚИ)

Тошкент Архитектура-қурилиш институти

МУНДАРИЖА

Муқаддима	4
1-БЎЛИМ.	
Интерьер дизайн ечимининг асосий йўналишлари (стиллари).....	6
2-БЎЛИМ.	
XIX асрдаги Тошкент шаҳри уйлариининг анънавий интерьери ечими.....	9
3-БЎЛИМ.	
Турар жой биноларининг замонавий интерьери	13
4-БЎЛИМ.	
Тошкент шаҳридаги замонавий меҳмонхоналар интерьерининг бадиий ечими	24
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	42
Иллюстрациялар.....	43

МУҚАДДИМА

Ҳозирги кунда Республикамизда архитектура муҳитлари дизайни бўйича талабалар учун адабиётлар етишмайди. Шу сабабдан диққатингизга ҳавола қилинаётган ишда, шу муаммонинг айрим тарафларини, яъни турар жой бинолари ва меҳмонхоналар дизайнини ёритишга ҳаракат қилинган.

Мазкур ўқув қўлланма 4 бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда турар жой ва жамоат бинолари интерьерларининг бадиий ечими асосий йўналишлари (стиллари) классицизмдан то хайтекгача (hy-tech – юқори технологиялар) кўриб чиқилган.

Иккинчи бўлимда нигоҳни бир қадар мозийга буриб, анъанавий ўзбек уйининг дизайнига қаратилган. Ватанимизда XIX асрга келиб айрим амалдор ва бойлар уйининг интерьерлари юксак бадиий ечимга эга бўлган. Бу ерда бадиий ижоднинг кўп турлари қўлланилган: ганч ва ёғоч ўймакорлиги, деворий геометрик (гирих) ва ўсимлик (наботий) безаклари ва ҳоказо.

Дизайнер ва архитекторлар учун анъанавий турар-жой бинолари интерьери дизайни ҳозир ҳам катта амалий аҳамиятга эга.

Учинчи бўлимда замонавий хонадоннинг таркиби, уни тархий ечими, хоналар интерьерининг жиҳозланиши батафсил кўриб чиқилган.

Сўнгги тўртинчи бўлим Тошкент шаҳридаги асосий меҳмонхоналар: “Ўзбекистон”, “Тошкент палас”, “Дедеман силк роуд”, “Марказий”, “Гранд мир отель”, “Редисон САС”, “Интерконтиненталь” дизайн ечимларига бағишланади.

Замонавий меҳмонхоналар мисолида талабаларга ҳар хил хоналар, уларнинг функционал вазифасига қараб, бадиий ечимнинг хусусиятлари тушунтириб берилади. Шу билан бирга меҳмонхонадаги турар жой корпуси, ресторан ва конференц заллар, ҳамда спорт-соғломлаштириш зоналарининг хажмий-тархий ечимларига баҳо берилади.

Мазкур иш талабаларга мўлжалланганлиги учун матн тавсия-тушунтурув шаклида тузилган.

Ўқув қўлланмани тузишда профессорлар: Қодирова Т.Ф., Убайдуллаев Х.М ҳамда чет эл муаллифлари (Е Половников., Б.Л Борисов., Джон Уокер., Ю Шагинурова) ишларидан фойдаланилди. Иллюстратив материалларни тайёрлашда кафедрамиз доценти А.П. Слугин катта ёрдам кўрсатди.

1-Бўлим. Интерьер дизайн ечимининг асосий йўналишлари (стиллари)

Интерьер – бу инсонга катта эстетик ва психофизиологик таъсирга эга бўлган мураккаб тушунча.

Хона, зал ва кабинетларда инсон фаолиятини олиб бориши учун қулай шароит яратилган бўлиши керак. Буни бир сўз билан комфорт дейилади. Умумий комфорт бу кўп қиррали тушунча. Бунга экологик, функционал ва эстетик комфортлар киради.

Экологик комфорт инсон организмига оптимал бўлган ҳаво ҳарорати, намлиги, ҳаракат тезлиги, қуёш нурлари таъсири тушунчалари йиғиндисидан яратилади. Бошқача қилиб айтганда, бу кўрсаткичлар хона микроклимини ташкил қилади. Микроклимнинг муҳим компонентларидан табиий ёритилиш ва инсоляция (хонага бевосита қуёш нурининг тушуши). Турар жой хоналарида ҳамда жамоат биноларидаги хоналарда одам мунтазам равишда кўп вақт фаолият кўрсатса, санитар меъёрлар бўйича инсоляция вақти бир кунда 3 соатдан кам бўлмаслиги керак.

Функционал комфорт бу хонадон фойдаланиш қулайлиги. Бунда биз инсонни асосий функционал жараёнларни: уйқу, овқатланиш, дам олиш, шахсий гигиена, меҳнат ва ҳоказо бажаришга хонада шароит яратилган бўлиши лозим. /2/.

Агар битта хонада бир нечта функционал жараёнлар бажарилса, унда функционал зоналаш бажарилади. Функционал зоналашни жихозлар ва мебеллар ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Интерьерни эстетик comfortи деганда, авваламбор, ундаги деворий безакларни, мебелларни, жихозларни ўзаро боғлиқлигини, мутаносиблигини, умуман олганда гармониясини тушинилади. Хона муҳити эстетикасини ёки бошқа сўз билан айтганда интерьер жозибасига эришиш учун бир қанча масалаларни ечиш лозим. Буларнинг асосийлари – хонанинг фазовий-композицияси, сатхларнинг ранг ечими, мебел, жихозлар ва декоратив деталлар дизайн ечими, хона ёритилиши ва ҳ.к.

Дизайнер авваламбор хонани композицион ечимини ҳал қилиши керак. Композицион ечим маълум бир йўналишда, системада бажарилади. Бошқача қилиб айтганда, стиль бирлигида бажарилади. Стиль сўзи лотинча “stile” – ёзув стержени (ўқи)дан олинган. Демак стиль – бу ички ўқ, ички асосий моҳият, қолган нарсалар унга боғланади ва бўйсинади. Деворий безаклардан тортиб то мебел, жиҳозлар, идиш-товоқларгача – ҳаммаси бир йўналишда (стилда) бажарилиши керак.

Умуман олганда интерьер стилистик йўналишларини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Булар – тарихий, замонавий ва этник стиллар. Улар ҳам ўз ўрнида бир нечта шаҳобчаларга бўлинади. Қадимги Рим ва Юнон архитектура анъаналари бўйича бажариладиган интерьерларни “тарихий” ёки “кўпроқ классик” деб аташади. Ҳозирги даврда анъанавий интерьерлар тарихда маълум бўлган барокко ва классицизм йўналишларини стилизацияси (қайта ишлаш) орқали яратилади.

Ҳар бир давр интерьер ечими йўналишига бир қадар ўзгаришлар киритади. Ҳозир янги синтетик материаллар пайдо бўлди, мебел ва жиҳозлар юқори технологик савияда бажарилмоқда. Шунга қарамасдан классик йўналиш ҳозир ҳам кенг қамров олган.

Классик усулда ишланган интерьерда юқори сифатли, қиммат материаллар (дарахт, тош, ипак-мат) қўлланилади. Кўпинча хайкалтарошлик, қуйма-ганч маҳсулотлари ва классик усулдаги устунлар бу йўналишга хос. Кўпинча пол бадий ишлов берилган паркет билан қопланади, деразаларга пардалар осилади, деворларга махсус интерьерга мўлжалланган матолар тортилади. Қуйма ёки ўйма ганчларга кўпинча тилла ҳал берилади.

Мибел учун қимматбаҳо олча, ёнғоқ, оқ қайин дарахтларининг ёғочидан фойдаланилади. Одатда безак учун ўймакорлик эмас, дарахтнинг табиий ранги ва фактураси кўрсатилади. Интерьерни безашда чинни, мой-бўёқли сураатлар, китоблар қўлланилади.

Интерьерни ранг ечими кўпинча хира пастель тусида ҳал қилинади, масалан: оч сариқ, ним яшил рангдаги деворлар сатхи, жигарранг паркет ва мебел сатхлари уйғунлигида бажарилади. Классик интерьерда ванна ва санитар хоналар иссиқ тусдаги оч жигарранг ва сарғимтир ранглarda бажарилади. Полга мрамр плиткалар ётқизилади. Сув кранлари, эшик бандларига “тилла” ҳал берилади.

Классик интерьерда мебел вазнли ва бир оз дабдабали ишланган бўлиб, уни ҳар бир элементи ўз ўрнини топган ва бирон бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Ортиқча безак ва бачканаликка йўл қўйилмайди. Безаклар ўтган замонни эслатса ҳам, мебеллар замонавий талабларга жавоб бериши лозим. Мисол учун, шкафда ёки сервантда телевизор ва DVD плеер учун махсус чиқариладиган блок ўрнатилади.

Замонавий (модернистик) стилларга минимализм, пуризм ва хайтек киради. Бу замонавий йўналишлар бир-биридан фарқ қилса ҳам, стилистик жиҳатдан бир-бирларига яқин. Пуризм – бу шаклларни оддийликка ва тозалликка чақирувчи йўналиш. Минимализм – бу функционаллик ва безакларни минимал даражада ишлатган ҳолда интерьерни юқори даражада бажариш.

Минимализм йўналишида ишланаётган интерьерда энг муҳими, хона фазосини тўғри лойиҳалаш, унда етарли даражада ёруғлик бўлиши керак. Хона кенг ва баҳаво бўлиши учун иложи борича ичкарида ўрнатилган девор тўсиқлардан озод қилинади. Деразалар иложи борича катта юзали қилиб лойиҳаланади. Минимализм йўналишида деворларни безаш учун оддий, кўпинча ишлов берилмаган табиий материаллардан фойдаланилади: ғишт, бетон, ёғоч ва ҳокозо. Нақшлар, ўймакорлик деярли қўлланилмайди. Интерьер фақат бир нечта жозибали ишланган амалий санъат намуналари ёки деталлари орқали бадиий жиҳатдан бойитилади: икебана, мой-бўёқ сурати, кўза, инсталляция (ҳар хил материаллардан бир мавзуга қаратилган бадиий композиция).

Минимализм XX асрнинг 20 йиллардаги архитектурасининг конструктивизм йўналишидан келиб чиққан. Бу йўналишни яратилишида машҳур архитекторлардан Вальтер Гропиус, Мис Ван Дер Роэ, Алвар Аалтолар турган.

Хайтек (high technology) – юқори технологиялар йўналиши, асосан интерьерда қўлланиладиган материалларни эстетикасини намоён қилади. Бу йўналишда энг замонавий материаллардан: шиша, металл, бетон, тош, табиий дарахт, синтетик материалларни қўллаш ва янги технологияларни намоён қилиш унга хосдир. Энг асосийси – бу техногенлик принципи, чунки хайтек авваламбор саноат стили бўлиб яралди. Безаклар йўқлиги материаллар фактура жилоси билан қопланади. Бу, мисол учун, табиий дарахт толалари чизмасини намоёйиш қилиш, нурнинг ойнадаги жилоси, сайқалланган металл сатхли трубаларни ялтираши. Енгил қўйма металллар, шаффоф сатхлар ва замонавий пластиклар юқори сифати намоён қилинади.

Этник стиль (“Etnik”) бу тўртинчи йўналиш. Этник йўналиш – бу маълум бир мамлакатга ёки ўлкага хос бўлган меъморчилик нақшлари, ранглар, амалий санъат намуналари, уй жиҳозлари қўлланилган замонавий интерьер ечими. Интерьер ечимда этник услуб, асосан, фрагментар равишда (интерьерни бир бўлагида) қўлланилади. Хонани безашда экзотик элементлар одамни маълум бир ҳолатга тушуши ва интерьерни бадиий таъсирини ошириш учун қўлланилади. Бунга “Марказий” меҳмонхонанинг вестибюлини мисол қилиб келтириш мумкин (4.16. расм).

2-Бўлим. XIX асрда Тошкент шаҳридаги уйларнинг анъанавий интерьер ечими

Турар жой ва жамоат бинолари учун ҳам ҳовли тархий ечими асосий бўлиб келган. Ҳовли периметр бўйича турар жой хоналари ва ёрдамчи хоналар билан ўраб олинган. Ёзги хона-айвон - ҳовлининг очиқ муҳитидан уйнинг ёпиқ муҳитига аста ўтишни таъминлаб берган.

Айвонлар тури ҳар хил бўлган. Асосан у хоналар олдида уюштирилган устунли пештоқ шаклида бўлган. Айрим уйларда айвон иккита хона ўртасида жойлаштирилган. Бундай айвонда баъзан очилидиган дераза тавақлари - ровон ўрнатилган. Бундай айвонлар “Қашқарча” деб аталган ва улардан йил давомида фойдаланилган.

Ҳовли – бу энг катта ёзги хона, осмон остидаги интерьер, уйнинг функционал маркази бўлган. Ҳовли дизайни горизонтал йўналган цоколь ғиштлари ва карнизларнинг вертикал қўйилган устунлар; ёруғ девор сатхларининг тоқчалар сояси контрастида яратилган; монохром девор сатхларнинг кўп рангли карнизлар контрастида тузилган.

Ҳовли ансамблининг бадиий қиёфаси тузилишида архитектура деталлари (устун, тўсинлар, карнизлар, панжаралар) фаол роль ўйнаган (2.1-расм).

Дераза ёки эшик тепасига ўрнатилган панжаралар кўпинча ёғочни майда бўлақларидан қилинган. Бу панжаралар асосан геометрик нақшларда (гирихда) бажарилган. Қашқарча айвонларда тепага кўтариладиган панжарали тавақлар ўрнатиладиган эди. Панжаралар устидан юпқа қоғоз (ёруғлик ўтказиш ҳамда совуқ шамолни тўсиш учун) ёпиштирилган. XIX асрнинг охирига келиб қоғоз ўрнига рангли ойналар ишлатилди. Бир неча йиллар ўтиб кўтариладиган дераза тавақалар ўрнига вертикал ўқ атрофида ташқарига очиладиган тавақалар (ромлар) ўрнатила бошланди (2.1а. расм).

Очиқ айвонларни меъморий қисмлари ҳам қизиқарли хал этилган: устун, карниз, тўсин. Устун билан тўсинни ўзига хос ўзбек “ордери” деса ҳам бўлади (2.2. расм). Устун таги устуннинг ўзаги билан бирга яхлит ёғочдан ишланган. Устун ўзаги кўндаланг қирқимда доира ёки тўғри саккиз бурчак шаклида бўлиб, тагига келиб шарсимон шакл орқали (кўзаги) курсига таянган.

Тўсин устунга таяниши учун албатта бошага сўнгра устунга таянган. Аммо устунда ҳар доим ҳам капитель ясалган эмас. Устун сатхини кўпинча

геометрик ёки наботий нақшлар билан қопланган. Ўзбек “ордери”да карнизни фигурали ўйилган тўсинларни қоши ташкил қилган.

Сандиқ ва хонтахтадан бошқа мебелларни йўқлиги ўзбек уйининг интерьер кўриниши замонавий интерьердан кескин фарқ қилган. Хона юзаси деярли очик бўлиб, девордаги токчалар ва тахмонда ҳар хил идишлар, кийим-кечаклар сақланган. Интерьерда деворлар нафақат функционал, балки декоратив ролни ҳам ўйнаган.

Анъанага биноан вертикал ва горизонтал йўналиш бўйича девор ток сонли сатхларга бўлинган. Девор сатхини токча, дераза, эшик ва намоёнларга бўлинишининг ўз қоидалари бўлган. Ён деворлардан хонага кириладиган бўлса, уни иккита тенг бўлмаган қисмларга бўлишган. Катта қисмида тахмон, кичик қисмида эшик ўрнатилган (2.2.а,в расмлар).

Деворлар беагаи асосан токчалар ва намоёнлардан иборат бўлган. Катта ва кичик токчалар, тахмонлар ҳақиқатдан ва кўринишидан ички фазони кенгайтирган. Хона интерьерида катта токча муҳим ролни ўйнаган. Катта токча бир канча кичик токчаларга (косамонларга) бўлиниб, улар ганч ўймакорлик санъати билан безакланган. Косамонларда майда идиш-товуқ қўйилган (коса, пиёла, ликобча ва х.к.). Чиройли чиннилар билан тўлдирилган косамонлар интерьерда муҳим рангли акцентни ташкил қилган (2.3.б расм).

Деворни токча ўрнатилмаган сатҳида ганч ўймакорлик ёки бўёқда чизилган расмлар (гулдаста) жойлаштирилган бўлиб уларни намоён дейилган.

Турар жой биноларида ва умуман, Ўрта Осиё меъморчилигида ганч ва ёғоч ўймакорлик санъати XX аср ўртасигача кенг қўлланилган. Қуйма ва ўйма ганч устидан рангли бўёқ қоплаш ёки текис девор сатҳига ганч сувоқ бериб устидан гулдасталар чизиш хона интерьерида ва айвонларда қўлланилган (2.4.б расм).

Деворларни безашда маълум даражада ҳисоб-китоб ва ягона бадиий тизим мавжуд бўлган. Ёғоч ва ганч ўймакорлиги ўзини бадиий

имкониятларини ишлатиб бўлмаган ҳолда, ҳозирги архитектурада ҳам фаол катнашиб келмоқда. Замонавий жамоат бинолари ва маҳобатли қурилмаларда бу санъат ўзининг янги йўллари топаётти. Ҳозирги кунда ганч ўймакорлик ишлари қўлда ва механик усулда қуйиш йўли билан бажарилмоқда.

Уй интерьериде деворга наботий безак чизиш кам учраган бўлса ҳам, деворнинг бир қисмида бажарилган. Бу намоён сюжети учун стилизация қилинган дарахт, бута, гул олинган. Кўпинча анор, мажнунтол, олма, олхўри дарахтлари мисол қилиб олинган. Гулдасталар шартли шаклда чизилган (2.5. расм).

Меҳмонхона шифтини безашга алоҳида аҳамият берилган. Бу ерда асосан, наботий сюжет кўпроқ қўлланилган. Бироқ, гоҳида ўймакорлик ҳам учраган. Нақш беағи, детални масштаби уни жойига қараб танланган. Тўсинлар ён томони асосан ўсимлик сюжетидаги нақшлар билан қопланган ва ўрта қисмига безаклар кўпроқ берилган. (2.4.а расм).

Айвон деворлари ва шифтида, хона интерьерни каби нақшлар қўлланилган, бироқ уларнинг орнаменти, чизгилари соддароқ бўлган. Айвонларда асосан, шифтни ўрта қисми (кайвон) гулли безаклар билан қопланган.

XIX аср ўзбек хонадониде мебел катта аҳамиятга эга бўлмаган. Кўрпачада ўтирилган ва ётилган (кровать бўлмаган). Замонавий стол ўрнида баландилиги 30-35 см хонтахталар қўлланилган. Бу хонтахталар тўрт, олти, саккиз бурчакли қилиб ишланган ва устки қисми нақш билан қопланган. Кўпинча хонтахта устига мис баркаш қўйилган.

Мибел қаторига сандиқ, ширма ва этажеркани қўйиш мумкин. Сандиқлар ҳозирги шкафлар ролини ўйнаган. Албатта интерьерни безашда текстил маҳсулотларининг роли катта бўлган. Булар гилам, фалак, сўзана, зардевор, дорпеч, кирпеч ва ҳоказо.

Хонадон интерьерининг бадиий савияси унинг нақшлари, безаклари ва ҳар бир детални композицион уйғунлигида намоён бўлади. Девор

нақшлари, шифт безаклари, полдаги гилам гуллари – булар ҳаммаси XIX аср ўзбек хонадони интерьерининг ўзига хос дизайнини ташкил қилган.

3-Бўлим. Турар жой биноларининг замонавий интерьер

Хонадон нимадан бошланади? Агар театр гардеробдан бошланса, хонадон (кўп қаватли уйларда) дахлиз билан бошланади ва у билан тугайди. Шунинг учун дахлизни бошқа хоналарга қараганда ўз ўрни ва ўзига яраша мебелли бўлиши лозим. Кийим ва оёқ кийим учун шкаф ёки шкаф-вешалка, кўзгу. Бунга яна зонтик учун устун-илгак, оёқ кийим ечиш учун стул.

Дахлиздан аста-секинлик билан бевосита ёки билвосита (йўлак орқали) турар жой хонасига ўтилади. Шунинг учун дахлизда қандай декоратив безаклар қўлланилган бўлса, йўлакда (коридорда) ҳам шуларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Дахлиз интерьерини дизайн ечими усулларининг фарқи асосан деталларнинг шаклида ва уларни безашда намоён бўлади. Дахлиз ранг ечими хонадонни умумий ранг ечимига мос бўлиши керак. Бироқ оч тусдаги деворлар сатхи эмоционал тарзда кичик дахлиз ва йўлакни кенг қилиб кўрсатади. Бунда кўзгуларни сунъий ёритиш иллюзор равишда чексиз муҳит яратилганлигини кўрсатади.

Дизайнерни вазифаси деворни қуруқ геометриясини декоратив равишда ишлов бериш ва бежиримлик, қулайлик яратиш. Ушбу мақсадга ҳайкалтарошлик асарлари, ёритгичлар, амалий санъат асарлари хизмат қилади.

Икки сатҳда жойлашган хонадонларда дахлизда ички зина пайдо бўлади, дахлиз баландлигини 2 қаватга тенг қилиб олиш мумкин (3.1. расм). Бундай дахлизларни холл (зал) деб атаса ҳам бўлади ва ундан барча хоналарга бевосита кириш мумкин. Аввалом бор дахлиздан бевосита умумий хонага кириш имконияти бўлиши керак. У ерда барча оила аъзолари тўпланишади, дам олишади, овқатланишади. Шунинг учун умумий хонани икки зонага: дам олиш ва овқатланиш зоналарига бўлиш мақсадга мувофиқ. Овқатланиш зонаси кўпинча ошхонага яқинроқ жойлаштирилади.

Замонавий дизайн йўналиши бўйича бир хона фазоси иккинчисига бевосита ўтиб кетади. Мисол учун, дахлиз муҳити аста-секин бевосита (эшиклар ўрнатилмайди) умумий хонани дам олиш зонасига ўтиб кетади. Овқатланиш зонаси бевосита ошхона фазоси билан боғланиб кетади. Улар ўртасида девор бўлмайди, фақат баландлиги 1,2 м бўлган бар (тўсик) ажратиб туради.

Шундай қилиб эмоционал равишда ва кўринишга хонадон фазоси кенгайтирилади. Айтилган мақсадни кўзлаб кўп қаватли уйларда ҳам ёзги хонани (умумий хона олдида веранда туридаги ёзги хонани) катта дарча орқали умумий хона билан боғлашади ва овқатланиш зонасини верандага олиб чиқишади.

Умумий хона юзаси яна ҳам кенгайиб, дам олиш зонасининг юзаси деярли 2 барабар ошади ва умуман олганда, бу хона меҳмонхонага айланиб қолади. Ёзда, ташқарида 25-30⁰ С иссиқ бўлган пайтда, веранданинг очилган катта ойналари орқали хонада етарлича ҳаво ҳаракати таъминланади ва овқатланиш, ҳамда кечки дам олиш учун қулай шароит яратиб берилади. Умумий хона деразаси веранда ровонларига кўчади. Веранда ровонлари пардаларини замонавий штора-жалюзи шаклида ишлаш мақсадга мувофиқ (ўзаро боғланган ҳамда дераза баландлигига тенг бўлган алоҳида пластинкалардан иборат замонавий материаллардан ишланган парда). Бундай пардалар дераза тавақалари очиқ ҳолатда яхши ҳаво алмашинувини ҳамда қуёш нурларидан сақлашни таъминлаб беради.

Агар хонадонда алоҳида меҳмонхона бўлмаса, дам олиш зонаси меҳмонлар кутиш зонасига айлантирилади. Алоҳида овқатланиш хонасида сервант, комод, катта стол каби мебеллар қўйилади (3.2.б расм). Стол тепасига люстра осиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Дам олиш зонасида торшер, бра каби ёритгичлар ўрнатилади. Агар шифт икки ёки уч ярусли (қатламли) ишланган бўлса, бир нечта нуқтали галоген ёритгичларини пастки қатлам текислигида ёки иккита қатлам орасидаги фазода жойлаштириш мумкин. Шифт қатламларининг ранг ечими ҳар хил бўлиши мумкин, аммо тон (тус)

жиҳатидан (туси бўйича) улар оч бўлиши лозим. Шунда хона эмоционал равишда баландроқ кўринади.

Агар ёритгичлар жойини топиб, ўз ўрнида қўйилган бўлса, шифт – баланд кўриниб, хона шинам бўлади, акси бўлса одам руҳиятига салбий таъсир қилади. Ёритгичларни танлаётганда хона зоналарини ва кун давомида ёритиш миқдорини ўзгариб боришини ҳисобга олиш лозим бўлади. Сунъий ёруғлик билан интерьер деталини; санъат асарини, шифтдаги ганч безагини; кабинетдаги ишчи столни алоҳида урғулаб кўрсатиш мумкин.

Умумий хонада, меҳмонхонада, ётоқхонада, болалар хонасида, кабинетда полнинг устки қатламини паркет ёки торкет билан қоплаш мақсадга мувофиқ бўлади. Меҳмонхона, умумий хонада паркет полга гул тушириб ишлаш интерьер дизайнини бойитади. Полдаги гулни шу паркетни бўлакчаларидан ишланади, аммо туси фонга нисбатан очроқ ёки тўқроқ қилиб олинади.

Гилямни, бутун хона юзасини қопламасдан, фақат овқатланиш столи ёки журнал столи тагига, кроват ёнига солиш тавсия этилади. Икки сатҳда ҳал қилинадиган хонадонларда умумий хона ёки меҳмонхонанинг баландлигини икки қаватга тенг қилиб олиш айрим жиҳатлардан хонадонни – тархий ечимига афзалликлар бағишлайди. Умумий хонани ҳажми икки баравар ошади, у ҳақиқатдан хонадон тархий марказига айланади.

Ҳозирги кунда хоналарда девор сатхларини “гулли қоғоз” (обой) ёки интерьер учун мўлжалланган мато билан қоплашади, кўпинча сувда эрийдиган бўёқлар (водоэмульсон бўёқлар) билан безалади. Девор сатхларига қисман қимматбаҳо ёғоч тахталари, кўзгулар ўрнатилиши мумкин.

Хонадонда шифтни энг оддий ҳал қилиниши – бу шифт сатхини текислаб, сўнгра битта рангда бўяш. Шифт периметри бўйича қуйма гипс тахтачалари ўрнатилади. Шифтнинг дизайн ечимини бойитиш учун кенг кўламда гипскартон қўллана бошланди (қалинлиги 8-12 мм, юзаси 3-3,5 м² бўлган картонга ўралган гипс тахталари). Натижада икки-уч қатламли

шифтлар пайдо бўлади. Ёритгичлар шифт қатламларининг орасига ва пастки қатламни тагига ўрнатилади.

Ҳозир Европа давлатларида махсус материал тортилган шифтлар қўллана бошланди. Бироқ бундай шифтларни қуриш анча қимматга тушади, шу сабабли бизнинг мамлакатда у ҳозирча кам қўлланилаяпти.

Ошхона

Ошхона – бу шундай хонаки, у ерда овқат тайёрланади ва пиширилади. Шу мақсадни кўзлаб ошхонада тегишли жихозлар ва мебель ўрнатилади. Жихоз ва мебелларни ўрнатиш қуйидаги вариантларга бўлинади: бир томонлама, тархда Г- шаклида, П – шаклида, “**орол**”- шаклида, икки томонлама. Ошхона зарурий жихозлари: газ ёки электр плита, дудмўри, идиш ювиш учун раковина (мойка), ишчи стол, музлатгич. Ишчи столи, мойка, газ плита баландлиги 85 см.

Ишчи столининг замонавий қопламалари: зангламайдиган пўлат, алюминий, ўтга чидамли ойна. Арзонроқ қопламалар: ламинат, керамик плита (тахтача), пластик. Булар ҳаммаси қўллашга қулай. Бироқ ламинат юқори ҳароратдан буришади, керамик плита оғир тоғора қўйса синиши мумкин, пластик қирилади.

Осма шкафлар ишчи стол сатхидан камида 45см юқорига ўрнатилади. Сабаби ишчи столда кофе чойнаги, ошхона комбайни, микротўлқинли плиткалар бемалол жойлашиши керак. Осма шкафларнинг баландлиги асосан 60см, зарур бўлса 90 см лиги ҳам ишлатиш мумкин. Агар шунда ҳам баъзи бир буюмлар ўз ўрнини топмаса ва шифтгача 70-80 см жой қолган бўлса, у ерга ҳам шкаф полкаларини антресоль шаклида ўрнатиш мумкин. Бурчакка ўрнатиладиган шкафда расталарни (полкалари) очик ёки сурилиб очиладиган эшиклар ўрнатилади – бу улардан фойдаланишни осонлаштиради.

Ишчи стол билан осма шкаф орасидаги жойни фартук деб аталади. Ишчи стол учун энг асосийси ранг ва фактура бўйича ўзаро гармония ҳосил қилинган бўлиши керак. Фартук деворни ифлослардан сақлаш лозим.

Кўпинча ишчи стол сатхи нарсалар билан тўлиб ётади. Айрим нарсаларни шу фартукка жойлаштириш мумкин. Микротўлқинли печни кронштейнларга ўрнатса бўлади, металл пичоқ ва бошқа майда-чуйдаларни магнит панелга осиб қўйса бўлади.

Ошхонада стандарт мебелларни ўрнатганда, унинг элементлари орасида ёки улар ва девор орасида кичик жойлар ҳосил бўлиб қолади. Бундай жойларга тор раста ёки кичкина стол ўрнатиш мумкин. Тор тумбочкада (кутичада) сабзитахта, сочиқ, бутилкалар сақлаш мумкин. Бу қўшимча мебель материали асосий мебелникидай бўлиши мақсадга мувофиқ. Агар ошхона мебелига ёғочнинг қаттиқ турларидан (эман, ёнғоқ, олча, бук) ишланса у салобатли ва кўркем бўлиб чиқади.

Ошхона юзаси имконият берса бу ерда овқатланиш учун зона ташкил қилиш яхши бўлади: кичкина стол (100x50 см), 3-4 стул (3.3. расм). Энг афзал ечим: столни дераза олдида ўрнатиш, бу ерда кўп табиий ёруғлик бўлади.

Ҳар қандай ошхонада раковина бўлиши лозим. Раковиналар ҳар хил ўлчамда ва шаклда ишлаб чиқилади: тўртбурчакли, доира шаклидаги раковиналар идиш-товоқ ювишга қулайроқ ва эстетик жиҳатдан афзал. Раковинани жойлаштиришда асосий принцип – бу қулайлик. Раковина плитадан ва ишчи столдан узоқ жойлашмаган бўлиши керак. Катта ошхоналарда раковинани хона бурчагида жойлаштирилса интерьерда яхши кўринади.

Замонавий интерьерларда ошхона асосий жиҳозларни (плита, раковина, ишчи стол) хона ўртасида орол шаклида жойлаштириш вариантлари ҳам учрайди. Бундай ҳолда раковина композиция марказида жойлашиши лозим.

Ётоқхоналар

Кун бўйи меҳнатда бўлган инсонга физик ва психологик ҳолатини қайта тиклаш учун дам олиш, уйқу муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ётоқхоналарда тинчлик ва сокинлик бўлиши учун улар бошқа хоналардан холи бўлиши лозим ва тегишли мебеллар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ётоқхоналар қай йўсинда фойдаланишига қараб икки гуруҳга бўлиниши мумкин:

- Дам олиш ва уйқуга мўлжалланган ётоқхоналар;
- Ақлий меҳнат учун зонаси ажратилган ётоқхоналар.

Дам олиш ва уйқу учун мўлжалланган ётоқхоналар. Агар хонадонда ақлий фаолият учун кабинет ажратилган бўлса ёки оила аъзолари учун ётоқхонада ақлий меҳнат учун зона ажратилиши лозим бўлмаса ётоқхона фақат дам олиш учун мўлжалланган мебеллар: кроват, тумбочка, кийим учун шкаф билан жиҳозланган бўлади. Бундай ётоқхонада ўрин-кўрпа учун замонавий дизайндаги сандиқ жойлашиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ётоқхонада жиҳозлар етарли бўлиши учун трюмо, курси ва айникса инсон қоматини бошдан оёқ кўриши учун баланд бўйли кўзгу бўлиши шарт. Ётоқхонада энг асосий жиҳоз бу оддий кроват. Европа давлатларида яқин ўтмишда кроват ҳозирги замон ҳаёт тарзига жавоб бермайди деган фикр ҳукмрон эди. Сабаби хонадон тархи эркин лойиҳалаш принципида яратилиб, бир хона ҳеч қандай тўсиқларсиз иккинчи хонага ўтиб кетарди, ётоқхона кундузги хоналардан фарқ қилмас эди. Гигиенага бўлган замонавий талаблар ётоқхонани аввалги моҳиятини ва ўрнини қайтариб берди. Ухлаш учун мўлжалланган кроватни қулайлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ (3.4 расм).

Ётоқхонанинг ўлчамлари, шакли ва тархий ечимига қараб кроватни қуйидаги вариантларда ўрнатиш мумкин:

- Кроват узун томони билан битта деворга ёндошган;
- Кроват калта томони билан битта деворга ёндошган;
- Кроват иккита ўзаро перпендикуляр деворларга ёндошган;
- Кроват тахмондаги (альковдаги) учта деворга ёндош.

Ақлий меҳнат учун жой ажратилган ётоқхона. Ётоқхонада ақлий меҳнат учун зонани деразага яқинроқ жойда ажратган маъқул, у ерда етарлича табиий ёруғлик бўлади. Ақлий меҳнат учун қуйидаги мебел ва

жихозлар лозим бўлади: ёзув ёки иш столи, стул, китоб жавони (шкаф) ёки секретер (3.5 расм). Ёзув столи, стул бирга камида 1,10 х 1,20 м юзани эгаллайди. Агар китоб жавонига жой бўлмаса деворда осма полкалар ўрнатиш мумкин.

Бу турдаги ётоқхонада ҳам кроват, кийим шкафи, аёллар пардози учун стол ёки трюмо зарурий мебел ҳисобланади ва уларнинг жойлашиши юқорида қайд этилган.

Болалар хонаси. Болалар хонасининг интерьер дизайни уларни ўсишига ва ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади. Интерьер ва жихозлар бола учун қанчалик қулай бўлса унда ўқиш учун, машғулотлар ўтказиш учун истак ошаверади. Болалар хонасининг функционал вазифалари – ўйинлар ўтказиш, дарс қилиш, дам олиш, ухлаш. Мана шундай вазифаларга жихозлар ва анжомлар жавоб бериши керак (3.6 расм). Шу мақсадда хонани ўзини функционал зоналарга бўлиш яхши натижа беради. Кўп болалар нарвонга чиқишни ва тепадан пастга қарашни яхши кўришади, шунинг учун дам олиш зонасига икки қаватли кроват ўрнатиш масалани яхши ечимини беради. Бўшаган жойда биз дарс столини қўйишимиз ёки ўйин зонасини ташкил қилишимиз мумкин. Бундан ташқари болалар хонасида кичкина спорт снарядларини (анжомларини) ўрнатиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Чунки жисмоний тарбия билан шуғулланган бола соғлом ўсади.

Сўнги йилларда болалар хонасини дизайн ечимида подиум (супа) услубини қўллаш кенг тарқалмоқда. Бу услубда хона икки қисмга бўлинади ва уларнинг бирида баландлиги 57 см бўлган супа ўрнатилади. Бир тарафдан супага чиқиладиган кичкина зина ўрнатилса, иккинчи томонга кроват қўйилади. Бола эрталаб тургандан сўнг кроватни супа тагига суриб қўйиши мумкин ва натижада болалар ўйнаши учун жой очилади. Супа устида асосан болалар учун дарс қилиш жойи ташкил қилинади: стол, стул, кичкина китоб жавони.

Ғарб давлатларида бундай усулни кенг тарқалганлигини сабаби, хонани юзасидан рационал фойдаланилади. Бироқ шуни эсда тутиш керакки, болалар

хонасини дизайн ечими қай усулда бўлишидан қатъий назар функционал зоналашда болани анатомик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Болалар мебелли катталарникидан нафақат ўзини ўлчамлари, балки пропорциялари (нисбатлари), ранглари билан фарқ қилади.

Болалар хонасидаги мебел ва жихозлар содда шаклда ва катта деталлардан иборат бўлиши керак. Жихозларнинг деталлари туртиб чиққан ва ўткир бурчакли бўлиши керак эмас. Хонада табиий ва сунъий ёруғлик етарлича бўлиши лозим. Ёритгичларни ўрнатганда хонани бир зонасидан иккинчиси ёруғлиги билан кескин фарқ қилмаслиги керак, чунки бу болани соғлигига салбий таъсир қилади.

Электр (сунъий) ёруғлик анъанавий шаклда – шифтни ўртасига хона дизайни стилига мос тушадиган люстра олиш билан ҳал қилиниши мумкин. Шифт гипсокартон ёки фанердан ишланган бўлса (осма шифт), унинг сатҳи билан бир текисда бир нечта кичкина ёритгичлар ўрнатиш мумкин. Болалар хонасида тунги пайтда доимо ёниб турадиган кам қувват талаб қиладиган битта “ёрдамчи” лампочка ўрнатилиши муҳим. Бола чироқни ўзи ёқиб – ўчириши учун улагични (чироқни ёқадиган тугма) полдан 90-100 см юқорида жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ванна хона. Ҳозирги даврда ҳеч қандай хонадонни ванна хонасиз ёки санитар хонасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бир хонали хонадонларда хожатхона (туалет) ва ванна хонани бир хонада ташкил қилишга рухсат берилади. Кўп хонали (икки ва ундан кўп) хонадонларда санитар хона иккита хонадан иборат бўлиши керак: хожатхона ва ванна хона. Хожатхонада унитаз ва раковина ўрнатилади. Ювиниш, ванна қабул қилиш, кир ювиш ванна хонада бажарилади. Ҳозирги кунда хонадон комфорт даражасини ошириш ва одамларни ўсиб бораётган талабларини қондириш мақсадида ванна хонада юқорида айтилган жихозлардан душ ёки душ кабинаси ва “биде” (тахорат учун) ўрнатилмоқда. Биде унитазга ўхшаб санкерамикадан ишланади ва совуқ сув билан иссиқ сувга уланган бўлиши керак. Биде ўлчамлари тархда

70x35 см (3.7 расм). Булардан ташқари ваннахонада кир ювадиган машина учун етарлича жой ажратилган бўлиши лозим.

Унитазни тархдаги ўлчамлари ўртача 75x35 см, раковинаники 50-40 см. Хона бурчагига қўйиладиган раковина 35x35 см. Ҳозирги даврда раковинани дизайн ечимлари ва унга қўлланиладиган материаллар хилма хил: металдан тортиб, табиий тошгача. 3.9-расмда бир нечта дизайнерларни муаллифлик ишлари кўрсатилган. Биринчи раковина (Moody) хайтек усулида шишадан бажарилган ва сирасини этканда олтин балиқчалар солинган аквариумни ўзи. Иккинчи раковина (Brontidi Frenze, Италия) тоғ биллюридан ишланган ва кумушдан ҳал берилган (нархи 65000 евро). Учинчи раковина (муаллиф Joerder, Германия) шиша курсига қўйилган оддий сополдан иборат (нархи 1690 евро). Тўртинчи раковина Роберто Паламба санкерамикадан ишлаган. Кўринишидан у узун 160 см, ўртаси бир оз ўйилган мрамар тахтани эслатади. Ўйилган жойдан сув тушиб кетади. Бу ерда дизайнер раковина билан полкаларни яхлит бир тахта сифатида ифодалаган. Бунақа дизайн ечим функционал жиҳатдан ижобий баҳоланган.

Ванна хонасини асосий жиҳози бу ванна. Яқин ўтмишда бизнинг ватанимизда ванналар фақат эмаль қопланган чўяндан ишланарди. Уларни ўлчамлари тархда қуйидагича бўлган: узунлиги 150 то 183 см. гача, эни 70 то 80 см. гача. Энг кичкина ванна 120x70 см бўлган. Чет элда ишланган чўян ванналар бизникига қараганда нозикроқ ишланган ва деворининг қалинлиги 5 мм. Ваннанинг эни бир томонга қараб торайиб боради, аммо сифати юқори.

Европада ҳозир акрилдан ишланган ванналарга қизиқиш катта. Агар 20 асрни иккинчи ярмида санитар хоналарни дизайн ечимида гигиеник аспекти намойиш қилиш урфи бўлган бўлса: деворларда оқ сайқаланган керамик плиталар, хромланган сантехник жиҳозлар. Ҳозир бошқача ёндошиш урфи бўлмоқда. Ванна хоналарни ҳам турар жой хоналаридек катта лойиҳалаб ва шинам қилиб безалмоқда, ёритиш учун катта деразалар ўрнатилиб дам олиш учун тўшак ёки курсилар жойлаштирилмоқда. Бир сўз билан айтганда хона

дизайнига “илиқлик” (кинестетика) киритилмоқда. Масалан: ҳозир ок плиткалар ўрнига кўпинча сариқ ёки оч жигарранг плиткалар ишлатилмоқда.

Ванна хона поли иситилмоқда, унитаз қопқоғида иситилган сув айланиб туради. Ванна қабул қилиш учун даволовчи тузлар, махсус душлар инсонга хизмат қилади. Агар ванна хона полини юзаси 10 м² дан кўп бўлса, у ерда Жакузи фирмаси ваннасини қўйиш мумкин. Бундай ванна оддий ваннага қараганда катта ва дизайн ечими ҳар хил. Энг асосий фарқи шундаки, унинг анжомлари инсон баданини ҳар хил жойини гидромассаж қилишга имконият беради. Сув ҳажмининг катталиги одам ваннада эмас, кичкина ҳовузда чўмилаётгандек ўзини ҳис этади.

Ҳозирги пайтда ванна материаллари турли туман: чўян, акрил, шиша, плексиглас, пўлат, ёғоч, метакрилат. Замонавий қимматбаҳо ванналар гидромассаждан ташқари аэромассаж (ҳаво массажи), хромотерапия (ранг билан даволаш), аромотерапия (ҳид билан даволаш) термостатлар (сув ҳароратини бир меъёردа ушлаб туради) билан мосланган бўлади. Айрим ванналарда ҳаттоки SMS (қўл телефони) орқали сув тўлдириш технологиялари бор. Бироқ бундай ванналар 5000 евро ва ундан баланд туради, кўпчилик учун қимматлик қилади.

Агар хонадонда иккита санитар хона мавжуд бўлса, иккинчисида ванна ўрнига душ ёки душ кабинаси ўрнатган маъқул. Душ кабинаси чўнқир ёки саёз тагдонли, икки ёки бир кишилик ўриндиқлар билан ҳар хил душлар (“тропик ёмғир”, “Шарко души”, каскад) ва аромотерапия, хромотерапия бошқариш пульти ўрнатиш мумкин. Булар ҳаммаси ҳар хил кинестетик таъсурот олиш, соғлиқни мустаҳкамлаш учун.

Яхши терапевтик натижага эришиш учун аввал туркча саунага кириб, сўнг – душ кабинасига кириш тавсия этилади. Шунда ўпкаларда ҳаво яхши алмашади ва бу ўпкаларга, яъни одам соғлигига ижобий таъсир қилади.

Энди ванна хоннасини хонадоннинг қай ерига жойлаштириш афзал. Мутахассислар ванна хонани, ҳожатхонани дахлизни ёнида; қўшимча санитар хонани хонадон ичкарасида, ётоқхона олдида жойлаштиришни

тавсия қилишади. Аммо ташқи деворни ёнида ванна хонани жойлаштириш тавсия этилмайди. Чунки қишда юқори намли ванна ҳавоси ташқи девор сатҳида майда сув заррачаларига айланади (конденсация бўлади). Бу жараёни олдини олиш учун ташқи девор ва пол сатҳини иситадиган муҳандислик мосламаларни қўллаш яхши натижа беради. Бундай санитар хоналарда ҳавони тез алмаштирадиган вентиляторларни ўрнатиш фойдали, айниқса ванна хона хонадоннинг ичкарисида жойлашса ва ташқи муҳит билан бевосита алоқаси бўлмаса. Ҳозирги пайтда вентиляторни ёқиш (ишга тушириш) чироқни ёқиш билан бирга бажарилмоқда. Бошқа хоналарга нисбатан ванна хонани қуриш ва жиҳозлаш қимматга тушади. Сантехник жиҳозларни мебел каби суриб бўлмайди. Шунинг учун ванна хонани тарҳини тўғри ҳал қилиш дизайнерлар учун муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун масштабда ванна хона тарҳини чизиб, сўнг санитар жиҳозларни жойлаштириб чиқиш керак. Биде, раковина ва унитазлар атрофида одамни тиззаси, тирсаги учун етарли жой қолдириш зарур. Сочик осиб қўйиш учун илгак шундай жойлашган бўлиши керакки, унга ваннадан ёки душдан бемалол қўл этиш керак.

Кичкина ўлчамдаги ванна хонани дизайнини ҳал қилиш ягона йўли – бу ҳар бир квадрат метр сатҳини тежамкорлик билан ишлатиш. Унитаз бакини (сув сақлайдиган идиш) ва трубаларни деворни ичкарисига олса қўшимча жой очилади ва интерьер кўриниши ҳам яхшироқ бўлади. Унитаз ва бидени деворга маҳкамлаб қўйиш мумкин, катта ванна ўрнига ўтириб фойдаланиладиган ваннани ўрнатиш мумкин.

Катта ванна хоналарни тарҳини, дизайнини ҳал этиш осонроқ ва бу ерда одамга етарлича шароит яратиб бериш мумкин. Агар ванна хона деразасидан ҳовлини хилват гўшасига манзара очиладиган бўлса, ваннани дераза олдида ўрнатиш мумкин ва сиз шу манзарани томоша қилишингиз мумкин. Ванна ёки жакузи атрофида супача ўрнатсангиз, бу улардан фойдаланишни осонлаштиради (3.9. расм).

4-Бўлим. Тошкент шаҳридаги замонавий меҳмонхоналар интерьерининг бадиий ечими

Ўзбекистон меҳмонхонаси

Тошкент шаҳрининг марказий “Амир Темура” ҳиёбонида жойлашган “Ўзбекистон” меҳмонхонаси (муаллифлар И.А Мерпорт., Л.Е Ершов, 1974 й.) ўз шакли билан очиқ китобни эслатади. Бино тарзини жозибали қилиш учун квадрат шаклидаги қуёшдан сақлагичларни ритмик равишда жойлаштириб чиқилган. Муаллифлар қуёшдан сақлайдиган панжарани шакли ва пропорцияларини яхши топишган ва шу билан бирга меъморчилик анъаналарини ишлата билишган /2/.

Меҳмонхона 2003 йил қайта таъмирланди, натижада сервис (хизмат кўрсатиш) сифати ва тури анча ўзгариб, у халқаро стандартлар меъёри бўйича 4 юлдузли отелъ даражасига кўтарилди. Вестибюль, ресторан, кафе, соғломлаштириш маркази, турар жой номерлари интерьери замонавий дизайнга эга бўлди. Аммо бинонинг ташқи кўриниши ўзгармади, фақат асосий кириш олдида соябон ўрнатилди.

Кўп қаватли бинонинг биринчи қаватини деярли ҳамма юзасини вестибюль эгаллайди. Кириш эшигидан тўғрида лифтлар жойлашган. Унинг ёнида чиройли айлана зина ёрдамида иккинчи қаватга кўтарилиш мумкин. Иккинчи қаватда маъмурий – хизмат кўрсатиш хоналари жойлашган. Вестибюлни ўн тарафида, анча ичкарида, чиройли тўсиқ (бар) орқасида қабул қилиш бўлими (reception) жойлашган (4.1.2 расм). Вестибюлни шу қанотида меҳмонларни дам олиши учун диван ва креслолар ўрнатилган. Уларнинг орасида бежирим ишланган “журнал” столлари қўйилган. Стол усти сайқаланган табиий тош билан қопланган.

Вестибюлни чап қанотида “Вена” бари жойлашган. Бу бар тархий жиҳатдан фойени давоми бўлса ҳам уни дизайн ечими ўзгача. Деворлар ранги (байранг), жиҳозлар, бар тўсиғи тўқ рангларда бажарилган (4.1.4. расм). Кичик ҳовузча ва тувакдаги ўсимликлар барни фойедан ажратиб

туради, бу чегарадан ўтгандан сўнг, биз бошқа муҳит, ўзга дунёга тушиб қолгандай бўламиз. Вестибюлга киришингиз билан тўғрида 500 ўринли “Ўзбекистон” ресторани жойлашган. Савдо залининг ўртасидаги қатор устунлар уни икки қисмга бўлади. Ҳар бир қисмнинг гипсокартондан ишланган шифтини ишланиши ўзгача. Деворларни безашда ганч ўймакорлик санъатидан фойдаланилган. Полга қизил ковролан тўшалган.

Ресторанга кираверишдан чап томонда катта (200 ўринли) ва кичик (60 ўринли) конференц заллари жойлашган. 17 қаватда асосий майдонни “Шахрезада” ресторани эгаллайди. Бу ресторанда миллий (45 ўрин) ва европа (100 ўринлик) заллари мавжуд.

Миллий залда деворлар сомон сувоқ билан қопланган. Бу зални дизайн ечимида анъанавий сопол, мисдан ишланган идиш-товоқлар, амалий санъат асарларидан фойдаланилган.

Европа зали худди 1 қаватдаги ресторан зали каби устунлар ёрдамида 2 қисмга бўлинган. Деворлар сатҳига бадиий ишлов бериш мақсадида қуйма ганч тахтачалардан фойдаланилган. Полга тўқ қизил рангдаги ковролан солинган. Деразаларга ёндош бўлган зал бўлагини пол сатҳи асосий пол сатҳидан 25 см баланд ишланган (4.2.2. расм).

“Шахрезада” ресторанининг бари Европа залини фойесида жойлашган (4.2.3. расм). Бар тўсиғи ва уни устидаги ёриткичларни қуюқ қўқ ва қизил рангларда ишлангани ва ойна орқасидаги гўзал Тошкент манзараси – булар ҳаммаси одамни кайфиятини оширишга ва хурсандчиликка мойил қилади. Шу қаватда соғломлаштириш маркази (фитнес марказ) жойлашган. Унинг таркибига тренажер зал, массаж хоналари, душ кабиналари (4.2.4 расм) киради. Чўмилиш ҳовузи айна пайтда таъмирланмоқда.

Турар жой номерлари

“Ўзбекистон” меҳмонхонасида ҳаммаси бўлиб 166 номер бор. Шулардан 160 таси бир хонали. Икки хонали ва люкс номерлар олтита.

Стандарт шаклидаги бир кишилик номерлар 38 та, каттароқ бир кишилик номерлар 63 та, икки кишилик (twin room) бир хонали номерлар 59 та.

Бир кишилик кенгайтирилган номердаги мебеллар жойлашуви куйидагича: эшикдан кираверишда тўғрида иккита кресло ва журнал столи дам олиш зонасини ташкил қилади. Креслолар қизил мато билан қопланган (4.3. расм). Дераза ёнида ёзув столи ва стул жойлаштирилган. Дам олиш зонасидан чапда, альковда икки кишилик кроват қўйилган. Кроват ёнида тумбочкалардан ташқари жамодон қўйиш учун паст баландликдаги (55 см) кичкина стол қўйилган.

Санитар хонага альковдан кирилади. Санитар хонада гигиена учун ҳамма жиҳозлар мавжуд: ванна, раковина, унитаз, соч қуришти учун фен (4. 3 расм). Раковина билан бир сатҳда мрамрдан полкалар ишланган. Эшикдан номерга кираверишда, чапда кийим учун шкаф ўрнатилган, ундан сўнг тумба устида телевизор жойлашган. Бутун номер полини қизғиш рангдаги ковролан қоплаган.

Люкс номерини дизайн ечими худди бир хонали номердагидек, бироқ бу ерда дам олиш зонаси алохида хонага жойлаштирилган ва креслодан ташқари катта юмшоқ диван бор (4.3. расм).

Биз меҳмонхонада бўлганимизда Президент номерида таъмирлаш ишлари олиб бориётган экан, шунинг учун биз уни кўриб таҳлил қила олмадик.

“Тошкент палас” меҳмонхонаси

2003 йилда таъмирланган меҳмонхоналар қаторида “Тошкент” меҳмонхонаси (муаллифлар: арх. Булатов М.С., Караш Л., инженер Левченко В) бор эди. Қайта таъмирлаш лойиҳаси (муаллифлар: арх. А.Тўхтаев., Х.Бажариджи) бўйича тарзга ва тархга бир оз ўзгартириш, ҳамда Ш.Рашидов кўчаси тарафига кўп функционалли зал, бизнес марказ блокларини қуриш кўзда тутилган эди. Таъмирлаш натижасида бинонинг ташқи кўриниши деярли ўзгармади, ўзининг архитектураси билан, у ўша олдинги меҳмонхона

тарзини сақлаб қолди: шарафали карниз, миллий меъморчилик элементларидан ишланган устун, пештоқ (4.4. расм).

Таъмирлангандан сўнг меҳмонхона тўрт юлдузлига айланди, унинг тархий ечимига ва номерлар дизайнига жиддий ўзгаришлар киритилди. Меҳмонхонада конференц зал, спорт-соғломлаштириш маркази пайдо бўлди.

Вестибюль тархий ечими қуйидагича: асосий эшикдан киргандан сўнг тўғрида зина-лифт холли жойлашган. Лифт кабиналари тўртда, улардан иккитаси шаффоф тўсиқли (4.4. расм) Кираверишда чапда қабул бўлими (reception) эгаллаган. Рисипшин анъанавий тўсиқсиз ҳал қилинган: иккита стол ва кресло. Фойени чап қанотида спорт-соғломлаштириш маркази, гўзаллик салони, кичик конференц заллар мавжуд. Кираверишдан ўнгда, фойеннинг ўнг қанотида пиво бари жойлашган. Бар тўсиғи, стуллари, креслолар замонавий дизайнда ҳал қилинган (4.4. расм). Фойеда меҳмонлар дам олиши учун диван, кресло ва журнал столчалари катта майдонни эгаллайди. Пиво барининг орқасида ресторан жойлашган (4.5. расм). Ресторан фойесига меҳмонхона фойесидан, ҳамда кўчадан кириш мумкин. Ресторанда иккита зал бор. Катта “Алишер Навоий” зали ва кичкина банкет зали.

Турар жой номерлари бинони иккинчидан то бешинчи қаватигача жойлашган. Ҳаммадан кўп бир хонали номерлар (149 та), уларни deluxe – S2L деб аташади. Катта юзали бир хонали номерлар (KV superior) – йигирма бешта. Комфорт жиҳатидан булардан юқорироқ турадиган ярим люкс (полулюкс) номер – executive room - икки хонадан иборат, ётоқхона ва умумий хона. Умумий юзаси 41 м² . Номерда битта санузел бор. Умумий хонада диван, иккита кресло, журнал столча ва телевизор қўйилган (4.6. расм).

Junior suite (biznes) деб аталувчи люкс номерда, ётоқхонада ҳам умумий хонада ҳам алоҳида санитар хона бор. Умумий юзаси 54 м² бўлган бу номерда ётоқхонада икки кишилик катта кровать, умумий хонада катта стол,

олтита стул, иккита креслолар жойлаштирилган. Ҳар бир хонада телевизор, кийим учун шкаф бор.

Юзаси 81 м² бўлган президент номери (executive suite) 3 хонадан иборат: ётоқхона, дам олиш хонаси ва катта стол, олтита стул қўйилган умумий хона. Ҳар бир хонада ўзини санитар хонаси бор, телевизор, кийим шкафи ўрнатилган. Меҳмонхонада президент номеридан иккита (4.6. расм) ҳамма номерлар дизайни минимализм йўналишида, декоратив безакларсиз, оч ранглар уйғунлигида ҳал қилинган. Деворлар оч сарғиш рангдаги обойлар (гул қоғозлар) билан қопланган. Шифтни оқ ранги хонани ёруғ ва баландрок қилиб кўрсатади. Юмшоқ мебель, полдаги ковролан, дераза пардалари ранглари бир бирига уйғун равишда танланган.

“Дедеман силк роуд” (Dedeman road) меҳмонхонаси

2003 йилдаги катта таъмирлаш ишларидан сўнг “Дўстлик” меҳмонхонаси нафақат номи, балки архитектураси ва ички дизайн ечимлари ўзгарди. Хизмат кўрсатиш даражаси халқаро стандартлар меъёригача кўтарилди.

Меҳмонхона асосий тарзи Навоий кўчасига қараган, уни безашда, фойе ва бошқа хоналар бадий ечимда замонавий қурилиш материаллари ва жиҳозларидан фойдаланилган (4.7. расм). Янги қурилган кенг ва ёруғ фойе меҳмонларни ўзини қизиқарли дизайн ечими билан жалб қилади. Айниқса тўқ яшил тошлар билан қопланган қабул бўлими (reception) тўсиғи оч рангдаги керамик пол олдида худди яхлит тошдан ишлангандай таъсурот ҳосил қилади.

Фойенинг ўнг томонида меҳмонларга қисқа муддатли дам олиш зонаси ажратилган. Бу ерда олтита кичкина стол ва 12 кичкина диванлар жойлаштирилган. Мармар пол устига ковролан тўшалган (4.7.1. расм). Вестибюль шифти худди ресторан ва бардаги каби гипсокартондан икки қатламли қилиб ишланган. Шифтни ўрта қисми периметр зонасига нисбатан

30-40 см баланд (4.7.2. расм). Шифт оқ рангга бўялган, деворлар оч жигарранг тусдаги гул қоғозлар билан қопланган.

Рисипшиндан чапга бурилсак зина билан ярим қават юқорига административ – хизмат бўлимига ўтишимиз мумкин. Ўнг томондан ҳаракатни давом этиб, холлга (140 м^2) дуч келамиз. Бу ерда периметр бўйича: “Самарқанд”, “Бухоро”, “Хива”, “Силк роуд” конференц заллари жойлашган. Коридор охирида спорт клуб ўрин олган. У ерда чўмилиш ҳовузи ва тренажер зал мавжуд (4.8.3. расм).

Меҳмонхона таркибида “Туркуаз” ресторани ва “Опера” бари мавжуд. “Туркуаз” -120, “Опера” -90 ўринга мўлжалланган. Вестибюлдан иккала савдо бўлинмасига кириш мумкин. Ресторан ва бар савдо залларининг ярим ҳажми ойнабандли қилиб ишланган. Аниқроғи шифтни ярмиси ва кўчага қараган тарзни ҳаммаси ойна билан қопланган. “Туркуаз” ресторанида ортиқча қуёшдан сақланиш мақсадида шифтдаги ойналар тагига кемалар елканини эслатадиган пардалар осилган. Бу пардалар ресторан интерьерини бойитган ва қандайдир динамизм бағишлаган.

Иккала зал учун оч тусдаги мебеллар танланган. Бар стуллари, бар тўсиғи никелдан ишланган. Шифт, вестибюлдаги каби гипсокартондан икки қатламли қилиб ишланган (4.10. расм).

Энг катта конференц зал бу “Ипак йўли” (silk road), юзаси 510 м^2 , 500 кишига мўлжалланган. Ундан сўнг “Самарқанд” зали (65 м^2) – 60 киши жойлашади. “Бухоро” ва “Хива” заллари бир хил юзали – 32 м^2 , кичкина йиғин ва ва банкетга мўлжалланган.

Ҳамма залларнинг дизайни минимализм йўналишида бажарилган. Шифтлари оқ рангдаги гипсокартон билан қопланган. Шифт ва девор кесишмасида, зал периметри бўйлаб гипсдан карниз ёпиштирилган. Карниз бутун узунаси бўйича ягона профиль тизмасига эга. Тортма (тяга) усули бўйича бажарилган.

Деворларда маълум бир масофада (ритмда) машғалани эслатувчи ёритгичлар ўрнатилган (4.8. расм). Ҳамма залларда полга кўкимтир-кул ранг

ковролан тўшалган. Барча конференц заллар флип-чарт, проектор, экран, DVD, VCR, микрофон ва синхрон таржима қилиш аппаратлари билан таъминланган.

Турар жой номерлари қуйидагича: Стандарт 1 кишилик номер (21 м²), яримлюкс (33 м²), икки хонадон иборат (42 м²) люкс номер ва юзаси 100 м² президент номери.

Стандарт номер 1 хонадон иборат ва сон жихатидан энг кўп- 100 та, номерда икки кишилик кроват, кресло ва журнал столчаси, стул билан ёзув столи ва стол устига телевизор жойлаштирилган. Номерга кириш билан чапда санитар хона жой топган. Бу ерда ванна, раковина ва унитаз каби жихозлар бор. Санкерамикадан ишланган раковина ён томондаги полкалар билан бирга қўйилган ва узунаси 1 м ташкил қилади. Шунинг учун санитар хонада бошқа полкалар ўрнатилмаган (4.11. расм)

Ҳамма номерлар дизайни бир йўналишда, декоратив безакларсиз. Деворлар оч жигарранг гул қоғозлар (обой) билан қопланган (4.11. расм). Конференц залдаги каби шифт билан деворлар орасида унча энлик бўлмаган карниз ёпиштирилган. Карнизлар гипсдан тортма усулида бажарилган. Номерлар полига оч жигарранг ковролан тўшалган. Кроватдаги чойшаб ва дераза олдидаги пардалар бир хил қалин матодан. Деразалар баландилиги бор йўғи 1 м, аммо улар деворни бор эини қоплаган. Мебеллар, эшиклар, плинтус қизғиш-жигаррангда.

Президент номери мебеллари оч сарғимтир рангда ва декоратив элементлари бор. Худди шу стилда эшиклар ҳам ясалган. Президент номери асосан иккита катта хонадан иборат. Биринчиси умумий хона - 40 м², эшикдан кираверишда тўғрида жойлашган. Бу ерда катта, усти ойна билан қопланган стол ва 8 стул жойлаштирилган. Хонанинг дам олиш зонасини катта диван, иккита кресло ва журнал столчаси ташкил қалади. Ундан ташқари бу хонада ёзув столи, иккита стул, катта телевизор ва комод мавжуд. Кираверишда ўнгда кичкина санитар хона, чапда буфет, аниқроғи ошхона жихозлари ўрнатилган хона жойлаштирилган. Умумий хонадан ётоқхонага

кириш мумкин. Бу ерда катта иккин ўринли кроват, трюмо, диван, иккита кресло, комод устида телевизор, хона жиҳозини ташкил қилади. Ётоқхонадан катта санитар хонага кириш мумкин. (10 м²). Бу ерда ҳамма зарур гигиеник жиҳозлар мавжуд: унитаз, биде, иккита раковина, душ кабинаси, жакузи. Раковина тепасида бутун девор бўйлаб кўзгу ўрнатилган (4.12. расм). Нафақат турар жой хоналари, балки санитар хоналар дизайни ҳам бадиий жиҳатдан етуклиги ва улуғворлиги билан ажралиб туради.

“Гранд мир отель” (Grand mir hotel) меҳмонхонаси

“Россия” меҳмонхонаси 1965 йил Шота Руставели ва Миробод кўчалари чоррахасида қад кўтарган эди. Муаллифлар: архитектор В.Муратов., муҳандис В Баршин. 2003 йили таъмирлаш ишлари натижасида (муаллифлар: арх. Х.Тошмухамедов, муҳандис Ю.Иванников), у интерьер ва экстерьерини ўзгача дизайнига эга бўлди ва Гранд мир отель деб номи ўзгартирилди.

Ҳозирги кунда ҳамма янги блоклар ҳали битгани йўқ, қурилиш ишлари давом этмоқда (4.13. расм). Меҳмонхона фойесига яхлит ойнадан ишланган вертикал ўқда айланиб турувчи эшикдан кирамиз (айланувчи эшик). Эшик олдида ёмғир ва қордан меҳмонларни сақлаш учун тўртда устунда узун қоплама ўрнатилган. Умуман олганда, фойе эски бино олдида қурилган бир қаватли янги корпусни ташкил қилади. Уни юзаси анча катта бўлса ҳам яхлит фазовий композициядек тасаввур қилиш қийин, чунки юқори қаватларни ушлаб туриш учун кўп устунлардан (колонналардан) фойдаланилган. Бироқ бу нарса фойени функционал зоналашни анча осонлаштирган (4.13. расм). Мисол учун, кираверишдан чапга бурилсангиз фойедан аста ресторанга ўтиб қоласиз. Рестораннинг савдо зали фойедан устунлар орасига ўрнатилган ёғоч панжаралар билан ажратилган.

Фойега кираверишдан тўғрида лифт холли ўрин олган. Ундан ўнгда қабул бўлими ўзининг ўйма ёғоч билан ишланган бар тўсиғи билан одамни жалб қилади. Рисипшин тўсиғи устига ёғоч рангига мос қилиб қизил

гранитли тахта ётқизилган. Рисипшин орқасида савдо ва хизмат кўрсатиш хоналари жойлаштирилган.

Рисипшин олдида, фойени анча юзасини эгаллаган меҳмонларни қисқа муддатли дам олиш зонаси уюштирилган. Бу зона фойени ўнг қанотидаги ойнага яқин жойни эгаллаган. Дам олиш зонасини кесиб ўтсак 50-60 ўринга мўлжалланган кафе-барга кирамиз. Турар жой корпусига таъмирлаш натижасида катта ўзгаришлар киритилмаган ва унинг тархий ечими, асосан эскича шаклда – коридор схема бўйича қолган. Бир ва иккин кишилиқ номерлар коридорни ўнг ва сўл тарафларида жойлашган. Хоналар, коридорлар, холлар баландлиги атиги 2.3 м, ҳозирги КМК меъёрларидан анча кам. Ригель ва тўсинларнинг пастки сатхи полдан 2 м баландда жойлашган. Хоналарни бундай фазовий ечими инсон руҳиятига яхши таъсир қилмайди.

Ҳар бир номерда ўзини индивидуал санитар хонаси мавжуд. Икки хонадан иборат люкс номерда (уни президент номери деб аташади). Умумий хонада қўшимча иккинчи санитар хона бор. Санитар хоналар ранглари нюанс нисбатида ечим топган. Масалан, деворда оч кулранг плиткалар бўлса, полда оч сариқ рангдаги плиткалар ётқизилган. Санитар хоналар жиҳозлари оддий: раковина, унитаз ва ванна. Ҳар бир ванна хонада раковина устига катта кўзгу ўрнатилган.

Номерлар, этаждаги холлар, вестибюл ва, умуман олганда, меҳмонхона интерьерлари дизайн ечими минимализм йўналишида бажарилган (4.14. расм). Деворлар сатхи номерларда оч рангдаги гулқоғоз билан қопланган, шифтлар оқ рангга бўялган. Эшик ва уни кесакилари, плинтуслар қимматбаҳо қизил дарахт тахталаридан ишланган. Полга кўкимтир-кулранг ковролан тўшалган.

Бир ва икки хонали номерлар мебели қуйидагича: ишчи стол, стул, кресло ёки 2 кресло ва журнал столчаси, битта икки ўринли ёки иккита кроват. Ҳар бир номерда телевизор ва кийим шкафи бор.

Меҳмонхонадаги ягона конференц зал сўнгги қаватда жойлашган. Бу залдан кўпинча банкетлар ўтқозиш учун фойдаланилади. Зал олдида кичкина фойе ва унинг бир чеккасида гардероб ташкил қилинган. Залнинг ўнг

томонида ўзининг қизиқарли дизайни билан бар кўзга ташланади (4.15. расм). Барнинг рўпарасида, деразалар ортида барнинг ёзги майдончаси жойлашган. Бу ердан Тошкент кўчалари ва майдонларининг гўзал панорамаси очилади.

“Марказий” (олдинги “Шератон”) меҳмонхонаси

“Марказий “ меҳмонхона Тошкент шаҳрининг марказида, Амир Темур ва А.Навоий кўчалари чоррахаси ёнида жойлашган. Меҳмонхона ойна ва бетондан қурилган кўп қаватли бино бўлиб, у асосий тарзи билан Амир Темур кўчасига қараган (4.16. расм).

Меҳмонхона фойеси асосий корпусга қўшимча қурилмадек яратилган. Фойе томининг бутун юзаси ойнабандли қилиб ишланган, шунинг учун бу ер жуда ёруғ ва қуёш нурлари етарли даражада.

Вестибюл ва “Оливковая роща” (Olive grove) ресторани дизайни этноуслубида бажарилган, чунки уларни бадиий ечимида анъанавий меъморчилик амалий санъат намуналаридан фойдаланилган. Мисол учун, фойедан маъмурий-хизмат кўрсатиш хоналарига ва “Амударё” ресторанига ўтиш йўлаклар ёй ўқсимон ровоклар ва гипсдан ишланган намоёнлар билан қопланган. Рисипшин орқасидаги девор сатхи худди мадраса пештоқи каби сирланган керамик плиткалар билан қопланган. Рисипшинни ўзи бар тўсиғисиз яратилган. Бир нечта табиий дарахтдан ишланган ва наботий безаклар бўйича ўйилган стол ва стуллар қабул бўлимини ташкил қилади.

Асосий кириш эшигини рўпарасида иккита энли устунлар сатхига ўрта аср минатюраларини эслатувчи бадиий композиция ишланган. Устунлар шарафа шакли қўлланилган капител билан якунланади. Умуман олганда, чет элдан келган меҳмонлар ғайри оддий муҳитга тушиб қолгандай бўлади ва бу уларга қандайдир эстетик завқ бағишлайди.

Фойедан галерея орқали “Olive grove” ресторанига киришимиз мумкин. Бу ресторан 50 кишига мўлжалланган (4.17. расм). Тархда у диаметри 10 метрли доирани ташкил қилади. Савдо зали, вестибюл каби томга

ўрнатилган деразалардан ёритилади. Шифтда деразалар (юқори фонар) деворга яқинлашгач цилиндр шаклидаги вертикал тўсикка айланади. Бу цилиндр сатхига анъанавий усулда наботий безаклар туширилган. Умуман олганда, ҳам ресторан ва ҳам вестибюл дизайни замонавий ва анъанавий йўналишлар уйғунлигида бажарилган.

Лифт холи орқасида жойлашган “Амударё” ресторанининг дизайни миллий меъморий безакларсиз содда ва шу билан бирга таъсирчанг ишланган. Оқ “Армстронг” плиткалар билан қопланган ресторан шифтини тўртта кўк рангга бўялган устунлар ушлаб туради. Стол ва стуллар оқ рангга бўялган. Полга оқ рангдаги керамик плиталар ётқизилган, бироқ полни гули – кўк плиталар-диагональ бўйлаб маълум бир ритмда ўрнатиб қўйилган. Умуман олганда, ресторан зали совуқ рангларда бажарилган, аммо шунга қарамадан ресторан анча ёруғ ва шидам (4.17. расм).

Катта конференц залга вестибюлдан ва бевосита кўчадан ҳам кириш мумкин. Бу зални зарурият туғилса, банкет залига айлантириш мумкин (4.17. расм). Биринчи қаватда анча катта майдонни соғломлаштириш клуби (фитнес клуб) эгаллайди. Бу ерда аввалом бор, қишда суви иситиладиган ҳовуз (бассейн) бор (4.18. расм). Бундан ташқари меҳмонхона ҳовлисида: ёзги ҳовуз, теннис корти, рақс майдончаси мавжуд. Фитнес марказда яна: тренажер зал, турк ҳаммоми, буғхона ва массаж хоналар ўрин топган.

Турар жой номерлари. “Марказий” меҳмонхонада номерлар комфорт ва хоналар ўлчамлари жиҳатидан бир нечта категорияга бўлинган. Стандарт номер бир хонадан, люкс номер икки хонадан иборат.

Президент номерида уч хона бор. Ҳамма номерларда индивидуал назорат қиладиган кондиционер, каналлари кенг диапазонга эга телевизор мавжуд (4.19. расм).

Стандарт номерни юзаси 30 м², ётоқхона ва санитар хонадан иборат. Ётоқхонада катта кроват, телевизор, журнал столча, стул ва ёзув столи бор. Санитар хонада ҳамма зарурий жиҳозлар ўрнатилган: раковина, ванна, унитаз, катта кўзгу, оптик кўзгу ва соч қуритиш учун фен. Номер полига

кўкимтир-кулранг ковролан тўшалган. Шифт ва деворларда ҳеч қандай декоратив безаклар йўқ. Шифт яхлит бир оқ текисликни ташкил қилади. Деворлар оч сарғимтир гулқоғозлар билан қопланган. Эшик, дераза, деворлар пастки қисмига қизил дарахт тахтасидан безалган (4.19. расм).

Люкс номер ётоқхона ва умумий хонадан иборат. Ҳар бир хонада индивидуал санитар хонаси бор. Ётоқхонани жиҳозлари худди стандарт номердагидек. Умумий хонада диван ва иккита кресло журнал столчаси атрофига жойлаштирилган, ёзув столи ва қизил дарахт тахтасидан ишланган мини бар бу хонада ўз ўринини топган (4.19. расм).

Президент номери учта хонадан иборат: умумий хона, дам олиш ва суҳбатлар ўтказиш учун, олтита стул ва битта катта стол қўйилган хона-кичкина мажлислар ўтказиш учун, таркибида санузел хонаси бор ётоқхона.

Президент ва люкс номерлари интерьерлари бадиий ечимда қизил дарахт тахтасидан кенг фойдаланилган. Бу айнан кийим учун ясалган шкафларда, мини барда, эшик кесакиси ва табақасида, полни плинтусида кўринади.

Оддий ва люкс номерларда ранг композицияси тўқ тусдаги ковролан фонида оч тусдаги мебел контрастида (кескин фарқида) яратилган бўлса, президент номерида аксинча тўқ-оҳра рангдаги мебел оч рангдаги ковролан ва деворлар фонида ўз композицион ечимини топган.

“Редисон SAS” меҳмонхонаси

“Редисон” меҳмонхонаси 2003 йил Амир Темур кўчаси юзида, Ўзбекистон миллий банкининг бош офиси қаршисида қад кўтарган (4.20 расм). Биринчи қаватда фойе, “Босфорус” ресторан, фитнес марказ ва конференц заллар ўрин олишган. Иккинчи қаватда маъмурий-хизматчи хоналар жойлаштирилган.

Меҳмонхонага асосий кириш эшиги бинонинг жанубий-ғарбий бурчагига ўрнатилган. Фойе тархда Г-симон шаклни эслатади, шунинг учун меҳмон фоейга кирганда ўнг ва сўл томондаги чиройли манзараларни томоша қилиш мумкин. Фойени сўл томонида рисипшин, меҳмонлар қисқа

муддатли дам олиш зонаси жойлаштирилган. Бу зонада диван, кресло ва журнал столчалари ўз ўрнини топган. Фойени ўнг томонида пиано бар, лифтлар, фитнес марказ ва конференц залларга ўтиш холлари бор.

Конференц залларга бинони шимол томонидаги вестибюлдан ҳам кириш мумкин. “Grand Ballroom” деб аталадиган катта конференц зал 400 кишига мўлжалланган. Қолган иккита конференц зал мебелларни жойлашувига қараб 20 тадан 60 гача одам сиғдириши мумкин.

Катта конференц залда деворлар оҳра рангида, пилястрлар (нимустун) тўқ, жигарранг ёғоч тахталар билан қопланган (4.21 расм). Фойени баландлиги 6 метр, деразалар полдан шифтгача фойени бутун баландлигича ишланган. Шунинг учун бу ерга етарлича қуёш тушади ва ёруғ. Фойени этагида жойлашган пиано бар (пианино ёки рояль ўрнатилган бар) деразалардан анча четда, деворлари тўқ рангларга бўялган бўлиб меҳмонларни тинч дам олишга чорлайди.

Фитнес марказ тренажер зал, массаж хоналар, сауна, ҳовлидаги ёзги бассейндан иборат (4.22. расм). Фойени чап тарафидаги “Босфорус” рестораннинг кириш қисмидаги тўртта классик шаклдаги устун одамларни ўзига жалб қилади. Бу устунларни тархда доира шаклидаги фриз бирлаштириб туради. Ресторан деворининг пастки қисми, яъни изораси ва юқори қисми, ҳамда бурчаклари сайқалланган ёғоч тахтасидан ишланган. Стуллар пушти-қизил ранг мато билан қопланган. Полга тўқ қизил ковролан тўшалган. Умуман олганда ресторан дизайни ҳашаматли ва ўзига жалб қилувчи (4.21 расм).

Турар жой номерлари. “Редисон” меҳмонхонасида энг кўп стандарт номерлар, яъни бир хонали, бир ўринли, юзаси 20 ва 30 м². Яримлюкс номер (40 м²) икки хонадан иборат: умумий хона ва ётоқхона. Номерда битта санитар хона мавжуд. Люкс номер ҳам иккита хонадан иборат, аммо бу ерда ҳар бир хонада индивидуал санитар хона бор.

Президент номери учта хонадан иборат: мажлис хона, дам олиш хонаси, ётоқхона. Ҳамма номерлар дизайни ортиқча нақш ва безаксиз

минимализм йўналишида бажарилган. Деворлар оч кулранг, шифт яхлит оқ рангдаги текисликдан иборат, полга кўкимтир-кулранг ковролан тўшалган. Ҳамма номердаги мебел бир хил тўқ жигарранг ва замонавий шаклда. Улардан фарқли ўлароқ эшиклар оч кулранг. Санитар хоналарда ҳамма зарурий жиҳозлар ўрнатилган: раковина, унитаз, биде, ванна ёки душ, катта кўзгу, фен. Раковина четидаги полка сайқалланган энли қизил рангдаги табиий тошдан ишланган (4.23 расм).

“Интерконтинентал” меҳмонхонаси

Меҳмонхона архитектуравий образи бир нечта катта ҳажмларнинг композицион уйғунлигида яратилган. Галерея схемаси бўйича лойихаланган кўп қаватли турар жой корпуси баланд ва ёруғ вестибюл орқали катта конференц зал билан боғланган (4.24. расм).

Вестибюл ўртасида ҳар хил шаклдаги ҳовузча ва ўсимликлар билан ўралган супа ўртасида кичкина пиано бар жойлашган (3.24.2 расм). Вестибюл шифтининг бутун юзаси шаффоф ойналар билан қопланган. У қия шаклда ишланган бўлиб, нафақат вестибюль юзасини, балки конференц заллар холлари, турар жой корпуси галереяларини ҳам яхши ёритиб туради.

Вестибюл дизайнини ечишда муаллифлар катта маҳорат ва дид билан ёндошишган. Шаффоф ойнали иккита лифт кабинаси сизни худди пиано бар ҳовуздан тепага кўтариб кетади. Лифт кабинасидан вестибюлни ҳар хил баландликдаги нуқтадан, 5-6 қаватдан сўнг Тошкентни гўзал манзараларини томоша қилишингиз мумкин.

Пиано бар орқасидаги айлана зина ёрдамида иккинчи қават галереясига чиқамиз. Бу ердан кичик ва катта конференц заллар холига ва маъмурий хизмат кўрсатиш хоналарига кириш мумкин. Айлана зина тўсиғи юзасига стилизация қилинган анор дарахти расми керамик плиткалар ёрдамида туширилган. Зина тагидаги ҳовузча, ундаги фаввора ва керамик намоён (панно) қизиқарли бадиий композицияни яратган (4.24.4 расм).

“Амир Темур” номли катта конференц зал тархда саккиз бурчакли қилиб хал қилинган. Бу залда халқаро конференциялар, тантаналар, кўргазмалар ўтказиш мумкин. Залга фоейдан ташқари бевосита кўчадан ҳам кириш мумкин.

“Амир Темур” зал интеръери этно услубда ишланган, яъни деворлар, карнизлар, аркалар бадий ечимда ўзбек миллий меъморчилик намуналаридан фойдаланилган. Шу услубда “Хива”, “Бухоро” ва “Самарқанд” кичик конференц заллари ишланган (4.25 расм).

“Los amigos” рестораннинг дизайни Мексика меъморчилик элементларидан фойдаланилган этноуслубда яратилган.

“Cristal ballroom” деб аталган энг катта (350 ўринли) ресторанга бевосита меҳмонхона вестибюлидан кириш мумкин. Ресторанни ҳовлига қараган тарафи полдан шифтгача ойнабандли қилиб ишланган, шу сабабли залда жуда ёруғ ва одам ўзини табиат қўйнида ўтиргандай ҳис қилади. Деворлар, шифт, устунлар, мебел оч тусда, деярли оқ рангда ишланган, фақат юмшоқ диван қопламаси қизил ранг. Полга керамик плиталар устига гулли гиламлар тўшалган (4.26 расм).

Рисипшин орқасига жойлашган “Intermezzo” бари интеръери тўқ рангларда ишланган: деворларга тўқ байранг гулқоғозлар (обойлар) ёпиштирилган, полга тўқ кўкимтир-қизил ковролан тўшалган. Деразалар юзаси ярмигача қалин тўқ кулранг пардалар билан ёпилган.

Бадий жиҳатдан етук ишланган мебель, интеръер деталлари, нафис ёритгичлар ва умуман олганда, бар интеръери дизайни юқори дид билан таъсирчан ишланган (4.26.3 расм).

Турар жой номерлари. Меҳмонхонадаги номерлар умумий сони 242 та, булар -53 та стандарт, 109 та катта номер, 16 та ярим люкс, 2 та люкс, 2 та вице-президент номери ва ниҳоят битта президент номери. Стандарт ва катта номерлар тархий ечими, жиҳозланиши деярли фарқ қилмайди, фақат стандарт номер юзаси (32 км²), катта номерникидан (40 м²) бир оз кичироқ. Катта номер (superior suite) кириш эшигини тўғрисида жойлашган бир

хонадан иборат. Кираверишдан ўнгда санитар хона, чапда кийимлар шкафи ўрин олган. Номер мебеллари қуйидагилардан иборат: катта кровать, иккита тумбочка, икки кишилик диван ва журнал столча телевизор рўпарасида жойлашган. Дераза олдида ёзув столи, стол ва чемодан учун паст стол қўйилган (4.27 расм).

Ярим люкс (junior suite) икки хонадан иборат: умумий хона ва ётоқхона. Ётоқхонага дахлиздан ва умумий хонадан ҳам кириш мумкин. Умумий хонанинг жиҳозланиши қуйидагича: катта диван, кресло ва журнал столча, шкафта турган телевизор рўпарасига жойлаштирилган; дераза олдида ёзув столи ва стул бор. Ётоқхонада катта икки кишилик кроватдан ташқари иккита кресло ва журнал столчадан иборат дам олиш зонаси уюштирилган. Номерга кираверишда ўнг томонда санузел жойлашган. Бу ерда ванна, раковина, унитаз, фен, кўзгу каби барча жиҳозлар мавжуд.

Одий ва ярим люкс номерлар дизайни декоратив безакларсиз, минимализм йўналишида бажарилган.

Люкс номер (executive) уч хонадан иборат ва 111 м² юзани эгаллайди. Номер дахлиздан ўнга, умумий хонага кирамиз. Бу хона ўзаро боғланган иккита қисмдан (хонадан) иборат. Ҳар бир қисмда бир-бирига ўхшаш дам олиш зоналари уюштирилган. Бу ерда катта юмшоқ диван, иккита кресло журнал столчасини ўраб туради (4.27.4 расм). Дераза ёнига биринчи қисмда ёзув столи, иккинчи қисмда думалоқ стол ва 4 стул қўйилган.

Одий номерларга қараганда люкс номернинг дизайнерлик ечимида классик услубнинг элементлари кўзга ташланади: деворларга анча қиммат бўлган махсус матолар тортилган, мебелларда ёғоч ўймакорлик санъати қўлланилган.

Номерларнинг энг каттаси – шубҳасиз президент номери, унинг юзаси 240 м² эгаллайди. Люкс номердаги каби бу ерда ҳам 3 хона бор, аммо хоналар юзаси анча катта. Мисол учун: номер дахлиздан аввал биз мажлис хонасига кирамиз (35 м²), бу ерда битта катта стол ва атрофида ўнта юмшоқ стуллар қўйилган. Бу хонадан ўтиб, биз катта меҳмонхонага кирамиз (55 м²).

Хона ўртасидан то деразаларгача иккита катта диван ва креслолар журнал столи атрофида ўрин топишган. Хона ичкарасида, бар ёнида иккита кресло ва битта кичкина диван ва журнал столчаси иккинчи дам олиш зонасини ташкил қилади. Бу хонанинг иккита девор олдида телевизор, компьютер ва бошқа видеоаппаратлар қўйилган (4.28. расм). Меҳмонхонадан ўтиб, биз катта ётоқхонага кирамиз. Бу ерда дераза олдида, кичкина думалоқ стол атрофида икки киши суҳбат қуриши учун гўша ажратилган. Стол шакли ғайри оддий: оқ мраммдан ишланган коринф ордерининг капители қирқилиб устига шиша плита (тахта) ўрнатилган. Ётоқхонада бундан ташқари битта икки ўринли кроват, иккита тумбочка ва ёзув столи жойлаштирилган.

Ётоқхонадан катта санитар хонага кириш мумкин. Санитар хонага гардероб орқали кирилади. Санитар хона уч қисмдан иборат: биринчиси ювиниш учун. Бу ерда иккита раковина, катта кўзгу, фен ўрнатилган. Кейинги қисмда джакузи ва душ кабинаси, унитаз, биде жойлаштирилган. Учинчи қисмни буғ хона (парилка) эгаллаган.

Президент номерининг барча хоналар дизайни оддий номерларга қараганда ўзини ҳашамдорлиги ва улуғворлиги билан ажралиб туради, классик йўналиш элементларидан фойдаланилган. Қиммат дарахтлар тахтасидан ишланган паркет пол устига чиройли гулли гиламлар тўшалган. Мажлис хонасида деворларга махсус қизғиш рангли деворий мато тортилган. Шу деворлар полдан то 1 м юқоригача сайқалланган қизил дарахт тахтачаси билан қопланган (4.28.3 расм).

Катта меҳмонхонада деворларга тўқ байранг мато тортилган, кресло ва диванлар қизил ва оч жигарранг мато билан қопланган. Пилястрлар (нимустунлар) ганчдан ишланган карнизгача қизил дарахат тахтаси билан безалган (4.28 расм).


Меҳмонхонада анча майдонни эгаллаган соғломлаштириш (фитнес) марказ таркибига: чўмилиш хавзаси, тренажер зал, душ кабиналари, массаж ва буғ хоналар, фитобар киради. Чўмилиш хавзаси меҳмонхонанинг асосий биносига бириктирилган, девор ва шифтлар юзасининг деярли 70% ойна

билан қопланган иншоатдир. Девор ва пол сатхлари оч тусдаги керамик плиткалар билан қопланган (4.29. расм).


Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Маънавий тикланиш йўлидан. Тошкент. Ўзбекистон, 1998.
2. Кадырова Т.Ф. Архитектура Советского Узбекистана. М., Стройиздат, 1987.
3. Колчанова Г.И. Интерьеры современных гостиниц. М., Издательство литературы по строительству, 1971.
4. Джон Уокер. Введение в гостепримство. М., ЮНИТ, 1999.
5. Коляскина М. Весна в превосходной степени. «Salon», 2001 № 11.
6. Лукьянова Л.Г. Интерьер гостиниц. Киев Выща школа, 1991.
7. Манакова В.Н. Художественная культура народного жилища Узбекистана. Ташкент. Издательство литературы и искусства, 1989.
8. Москалева В.Н. Гостиницы большой вместимости. Челябинск, 1993.
9. Сутягин С.М., Цой Е.И. Начало большого города «Архитектура и строительство Узбекистана», 2000, № 4
10. Убайдуллаев Х.М. Архитектурная реконструкция Ташкентских гостиниц.
11. Шагинурова Ю., Ararat Park Hyatt в Москве. «Salon», 2003, № 10.
12. Шпара П.Е., Шпара И.П. Техническая эстетика и основы художественного конструирования. Киев, Выща школа, 1989.
13. Peter Mearlin. Ночь на Рождество в Сингапуре. «Salon», 2003 № 10.
14. «Architectural digest» №12, 2005-06 гг.
15. Половников Е. Остров фантазий. «Архидом», 2006, №5.
16. <http://www.asia-travel.uz>.
17. <http://www.dedeman-hotels.com>.
18. <http://www.interior.report.ru>.
19. <http://www.alta-d.ru>. Декорирование окон. «Энциклопедия ремонта и дизайна интерьеров.
- <http://www>. Современные светильники. «Энциклопедия ремонта и дизайна интерьеров».


а



б




2.1.расм Анъанавий ўзбек уйининг архитектура деталлари. а) ойна тавақалари ва эшик; б) эшик тепасига ва бошқа туйнуқларга қўйиладиган панжара.




2.2 . расм. Анъанавий ёғоч устун капители. Тошкент. Рақат боши кўчасида жойлашган Амалий санъат музейи айвони. 1896 – 1904 йй. Ноткин ўлчовидан чизилган.


а



б




2.3.расм. Хона деворларининг қисмлари. а) эшик рўпарасидаги девор (Тошкент, Қизил – тут, 3 берк куча, 20 уй, 1960 йил ўлчови); б) ичкари узун девор (Колхозчи кўчасидаги уйнинг меҳмонхонаси , 1871 й. қурилган).



2.4. расм. Калта деворнинг композицион ечими. (Айрилиш тор кўчасидаги уйнинг меҳмонхонаси, Тошкент 1858 й. курилган).

а




б



2.5. расм. а) нақшинкор тўсинли шифт (Тошкент, Фаробий иккинчи берк кўчасидаги уй, 19аср)

б) ўйма ганч маноёни (Тошкент, Қизил – тут тор, учинчи берк кўча, 20уй, 1860 й. қурилган).



2.6. расм. Токлар ичидаги гулдаста (Тошкент, Колхозчи кўчасидаги уйнинг меҳмонхонаси, 1871й.).



а



б

3.1. расм. Дахлиз интерьери: а) интерьер бадий ечими; б) 2 сатхдаги хонадоннинг зинали дахлиз.



3.2. расм. Умумий хона: а) дам олиш зонаси;
б) овқатланиш зонаси.



а



б

3.3. расм. Ошхона: а) овқатланиш зонаси бор ошхона; б) овқатланиш зонаси йўқ ошхона



3.4.расм. Ота-оналар ётоқхонаси.



3.5. расм. Ишчи кабинет



Расм 3.6. Болалар хонаси



Расм 3.7. Ванна хона интерьери дизайни





а



б



в



г

3.8. расм. Раковиналар дизайн ечими: а) раковина аквариум
б) биллур ваза
в) сопол товок
г) раковина полка



Расм 3.9. Джакузи ванна урнатилган санитар хона

“У
з
б
е
к
и
с
т
о
н”
Т
а
р
з
в
а
М
е
х
м
о
н
х
о
н
а
с
и
В
е
с
т
и
б
ю
л
ь



Рис. 4.1



“у р
 з е
 б с
 е т
 к о
 и р
 с а
 т н
 о в
 н а
 ”
 м ф
 е и
 х т
 м н
 о е
 н с
 х м
 а
 р
 к
 а
 с
 а
 з
 и



1



2



3

Рисм 4.2



4

“У
з
б
е
к
и
с
т
о
н”
Т
у
р
а
р
ж
о
й
м
е
х
м
о
н
х
о
н
а
с
и
М
е
н
о
м
е
р
л
а
р
и



Расм 4.3



“Т
о
ш
к
е
н
т
В
а
л
в
е
с
т
и
б
ю
л
ь



Расм 4.4

“Т Р
 а е
 ш с
 к т
 е о
 н р
 т а
 н
 п
 а в
 л а
 а
 с” б
 м а
 е н
 х к
 м е
 о т
 н
 х з
 о а
 н л
 а
 с
 и



Рис. 45

“Ташкент Турар жой” меҳмононхонаси



Расм 4.6



“Д
е
д
е
м
а
н”
т
а
р
з
м
е
х
м
о
н
х
о
н
с
и
б
ю
л
ь



Рисм 4.7

“Д
е
д
е
м
а
н”

м
е
х
м
о
с
к
и
н
с
п
о
р
т
н
с
к
и
к
л
у
б



Рисм4.8

“Д
е
д
е
м
а
н”

П
р
е
з
и
д
е
н
т
н
о
м
е
р
и



Расм. 4.9

“Дуркуаз”
 “Опера”
 “Транс”
 “Ресторан”
 “Лари”

1



2



3



4



Расм. 4.10

“Д
е
д
е
м
а
н” К
о
н
ф
е
р
е
н
т
х
о
н
з
а
л
с
и
л
а
р
и



1

Расм 4.11

2



“Д
е
д
е
м
а
н”
м
е
х
м
о
н
х
о
н
а
с
и

Т
у
р
а
р
ж
о
й
н
о
м
е
р
л
а
р
и




1

2



Рисм 4.12

“Грандмир”
Тарз ва ҷаҳони ӯ



Расм 4.13

“Г
р
а
н
д
м
и
р”
ж
о
й
м
е
х
м
о
н
х
о
н
с
и
т
у
р
а
р
ж
о
й
н
о
м
е
р
л
а
р
и



Рис. 4.14

“Г р е с т о р а н з а л л а р и м е х м о н х о н с и в а ё з г и к а ф е



1



2




3



4

Расм4.15



Расм 4.16

“Марказий” меҳмонхона тарз ва вестибюль

Р е с т о р а н н ы е з а л л а р ы
 “М а р к а з и й” м е х а н о н х о н а с и з а л



Расм 4.17

“М
а
р
к
а
з
и
й” С
п
о
р
т
к
л
у
б
м
е
р
т
к
л
о
н
х
о
н
а
с
и




Рис. 4.18

“М
а
р
к
а
з
и
й”
м
е
х
м
о
н
х
о
н
а
с
и

Т
у
р
а
р
ж
о
й
н
о
м
е
р
л
а
р
и



Расм .4.19


“Р
е
д
и
с
с
о
н”

Т
а
р
з

В
а

В
е
с
т
и
б
ю
л
ь

М
е
х
м
о
н
х
о
н
а
с
и



Расм 4.20



“Р е с т о р а н
м е х а н и з м о н ф е р е н ц и з а л”





Рис. 4.21

“Р
е
г
и
с
т
о
н”

м
е
х
м

о
н
х
о
н
с
и
с
п
о
р
т
к
л
у
б



Расм 4.22

“Р
е
г
и
с
т
о
н” т
у
р
а
р
м
е
х
м
о
ж
н
х
о
н
с
и
ж
о
й
н
о
с
м
е
р
и




Рисм 4.23

“И
н
т
е
р
к
о
н
т
и
н
е
н
т
а
л
ь”
Т
а
р
з
м
е
х
м
о
н
х
о
н
а
с
и
в
а
в
е
с
т
и
б
ю
л
ь



Рис. 4.24

“И
н
т
е
р
к
о
н
т
и
н
е
н
т
а
л
ь”
м
е
х
м
о
н
х
о
н
а
с
и
К
о
н
ф
е
р
е
н
ц
з
а
л
л
а
р



1



2



3



4

Расм 4.25

“И
н
т
е
р
к
о
н
т
и
н
е
н
т
а
л
ь”
м
е
х
м
о
н
х
о
н
а
с
и
Р
е
с
т
о
р
а
н
в
а
б
а
р
л
а
р



Расм 4.26

“И
н
т
е
р
к
о
н
т
и
н
е
н
т
а
л
ь”
м
е
х
м
о
н
х
о
н
а
с
и
Т
у
р
а
р
ж
о
й
н
о
м
е
р
л
а
р
и



Рис. 4.27

“И
н
т
е
р
к
о
н
т
и
н
е
н
т
а
л
”
м
е
х
м
о
н
х
о
н
а
с
и
П
р
е
з
и
д
е
н
т
н
о
м
е
р
и



Расм 4.28

“И
н
т
е
р
к
о
н
т
и
н
е
н
т
а
л
ь”
м
е
х
м
о
н
х
о
н
а
с
и
Ф
и
т
н
е
с
м
а
р
к
а
з




Рис. 4.29